

ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИНИ ЎТАШДА АТТЕСТАЦИЯНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Рахмонов Зафаржон Зайниддинович

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги

Юристар малакасини ошириш маркази катта ўқитувчиси

E-mail: z.raxmanov95@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада давлат фуқаролик хизматини ўташда аттестациянинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида давлат фуқаролик хизматида аттестация тизимни тартибга соладиган ягона механизмни жорий этишга оид таклифлар берилган.

Калит сўзлар: давлат фуқаролик хизматини ўташ, давлат фуқаролик хизматида аттестация, ойлик иш ҳақи.

Ҳозирги жадал ривожланаётган жамиятда давлат органлари ва ташкилотлари хизматчиларининг малакаси, билими, амалий кўникмалари, касбий фазилатлари ва уларнинг лавозимга мувофиқлиги даражасини аниқлашга эътибор кучаймоқда.

Давлат хизматини ўташ бир неча босқичлардан иборат бўлиши мумкин. Айрим адабиётларда унинг қуйидагича кўринишлари таклиф этилади:

- давлат хизматига қабул қилиш;
- давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш;
- малака даражалари ва махсус унвонлар бериш;
- давлат хизматчисини бошқа лавозимга ўтказиш;
- давлат хизматчисини рағбатлантириш;
- давлат хизматининг тугатилиши¹.

Аксарият тадқиқотчилар давлат хизматини ўташнинг асосий белгиси *давлат лавозимини эгаллаш* эканлигини таъкидлашади². Аслида давлат лавозимини эгаллаш фуқаронинг мансаб ҳуқуқлари, мажбуриятлари, чекловлар ва ҳуқуқий жавобгарликнинг субъектига айланганидан далолат беради.

Давлат хизматининг бир тури бўлган давлат фуқаролик хизматини ўташ тартибидаги муҳим жихатлардан бири ҳам *хизматчиларни аттестациядан ўтказиш* ҳисобланади.

¹ Давлат хизмати: Ўқув қўлланма / Хожиев Э.Т., Исмаилова Г.С., Рахимова М.А. – Т.: Baktria press, 2015.

² Хожиев Э., Хожиев Т. Маъмурий ҳуқуқ. – Т.: “Фан ва технология”, 2008. – Б.232.

Аттестация давлат фуқаролик хизматини ўташда хизматчилар фаолиятини баҳолашнинг бир усулидир. Фикримизча, миллий қонунчиликда давлат фуқаролик хизматчиларини аттестациядан ўтказиш тушунчасининг ҳукукий тарифга эга эмаслиги, уни амалда ишлаш жараёнига салбий тасир кўрсатмоқда. Қайд этиш жоизки, аттестация - давлат фуқаролик хизматини ўташда катта аҳамиятга эга жараёндир.

А.Б. Куракин ва **А.А. Савостин**нинг фикрича аттестация бу - давлат фуқаролик хизматчисининг давлат лавозимига лойиқлигини баҳолайдиган, давлат хизматини такомиллаштиришга ва аттестация қилинаётган шахснинг салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган натижада, мамурий-ҳукукий чоралар кўрилиши белгиланган, кадрларнинг касбий ва шахсий салоҳиятини самарали ривожлантиришга ҳисса қўшадиган мамурий-ҳукукий процедура тушунилади³.

Рус тадқиқотчиси **А.С.Адамович** аттестация ўтказишдан бирламчи мақсад давлат фуқаролик хизматчисининг билим ва малакаси даражасини, шунингдек, бирон-бир унвон ёки тоифага муносиблигини аниқлаш функцияси билан асослайди⁴. **А.С.Адамович**нинг бу фикрига қўшиламиз яъники, аттестация натижасида ходимнинг унвон ёки тоифаси ўргариши мумкин. Ҳукуқшунос олим **Ю.Н.Старилов**нинг фикрича, давлат фуқаролик хизматчиларини аттестациядан ўтказиш - давлат хизматчисининг профессионал тайёргарлик даражасини ва эгаллаган давлат мансаби талабларига лойиқлигини текшириш, шунингдек давлат хизматчисига малака разряд бериш масаласини ҳал этиш мақсадида ўтказилади⁵.

Ҳуқуқшунос **Ф.У. Юлдашев**нинг фикрича, давлат фуқаролик хизматчисининг аттестацияси – давлат органининг аттестация комиссияси томонидан ўтказиладиган, давлат хизматчисини эгаллаган лавозимга лойиқлигини текшириш, юқори ёки қуйи лавозимга ўтказиш, малака мартаба бериш, шунингдек, унинг профессионал кўникмаларини ва билимини баҳолашга қаратилган, даврий равишда ўтказиладиган ва маъмурий ҳукукий-акт билан расмийлаштириладиган фаолиятдир⁶.

Яна бир ҳуқуқшунос **Ф.Исаев**нинг таъкидлашича, аттестация, тор маънода, хизматчиларнинг профессионал, ишчанлик ва шахсий ҳислатларига баҳо бериш, унинг хизмат-мансаб талабларига мос келишини текшириш мақсадида ўтказилади⁷.

³ Куракин А.В., Савостин А.А. Процедуры, обусловленные прохождением государственной гражданской службы Российской Федерации // Право и политика. 2004. № 8. 32 с

⁴ Адамович А.С. Государственная служба. – М.: РАГС, 2008. – С.34-35.

⁵ Старилов Ю.Н. Служебное право. – М.: БЕК, 1996. – С.398-413

⁶ Юлдашева Ф.У. Ўзбекистон Республикасида давлат хизматига кириш ва ўташнинг ҳукукий механизмини такомиллаштириш: ю.ф.ф.д. ... дисс. – Т., 2021. – 170 б.

⁷ Исаева Ф.Б. Давлат хизматчисини аттестациядан ўтказиш ва унинг ҳукукий оқибатлари. Т.: Ҳукукий тадқиқотлар журналы. №NS-2021. 57 б.

Бизнинг фикримизча, давлат фуқаролик хизматчисининг аттестацияси – давлат фуқаролик хизматчисини ўз лавозимига мувофиқлигини, хусусан касбий тайёргарлик даражасини, лавозим талабларига жавоб беришини ва янги унвон беришга лойиқлигини аниқлашга қаратилган фаолиятдир.

Кўпгина хорижий давлатларда, жумладан Россияда давлат ташкилотидаги хизматчиларни аттестациядан ўтказишнинг умумий асослари махсус қонунда ҳамда Ҳукумат томонидан тасдиқланган низомларда қатъий белгилаб қўйилган. Бу барча давлат органларида фаолият юритувчи хизматчиларнинг аттестациядан ўтказиш тартибини белгиловчи умумий қоида бўлиб хизмат қилади. Бизнинг фикримизча, давлат фуқаролик хизматчиларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғридан-тўғри қонун ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланган низомда белгиланиши ҳамда ушбу ҳужжатда аттестациядан ўтказиш мақсади, муддатлари, тартиби ва ҳуқуқий оқибатлари аниқ этиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бу борада 2023 йил ўтказилган ижтимоий сўровномадаги “Давлат фуқаролик хизматчиларини аттестациядан ўтказиш тартибини аниқ белгилайдиган алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш керакми?”, деган саволга 85,2 фоиз респондент “Ҳа алоҳида ҳужжат қабул қилиш керак” дея жавоб беришган⁸.

Умумий қоидаларнинг йўқлиги давлат органларида хизматчилар фаолиятини баҳолашда адолатсизликларга олиб келиши мумкин. Шунингдек, хорижий давлатлар давлат ташкилоти хизматчиларини аттестациядан ўтказиш муддатлари махсус қонунларда 3 ёки 5 йил қилиб қатъий белгиланган. Жуладан, Германияда давлат хизматчисини аттестацияси эгаллаб турган мансаб лавозимига лойиқлигини аниқлаш мақсадида 3 йилда бир марта ўтказилади⁹.

Давлат фуқаролик хизматида ўташ тизими ўзига хос бўлган давлатдан яна бири Хитой ҳисобланади. Бу давлатнинг давлат хизматидаги ходимнинг ойлик иш ҳақи миқдори ўзи ишлаётган ҳудуднинг иқтисодиётига мос ва ойлик маошидаги тўловнинг миқдори эса, ҳар йили бўладиган аттестация натижаларига боғлиқ, яъники, **ходимнинг аттестациядан қандай ўтганлиги унинг ойлик маошига таъсир ўтказди**. Бундай тартиб давлат органларига фаворитизмининг олдини оладиган усули ҳисобланади. Миллий қонунчиликда ҳам ушбу тартибни ўрнатиш таклиф этилади. Чунки бундай тартиб давлат органларига фаворитизмининг олдини оладиган усул сифатида қаралади. 2023 йил давлат органлари ва ташкилотларида фаолият юритаётган давлат хизматчилари орасида ўтказилган ижтимоий сўровномада “Давлат фуқаролик хизматчиларини аттестациядан қандай ўтганлиги унинг ойлик маошига таъсир ўтказиш тартибига қандай қарайсиз?” деган саволга 71,5 фоиз респондент “Бундай тартиб бўлгани яхши” дея жавоб беришган¹⁰.

⁸ Давлат органлари ва ташкилотларида фаолият юритаётган ходимлар орасида 2023 йилда ўтказилган ижтимоий сўровнома.

⁹ <file:///E:/o-zarubezhnom-opyte-priema-na-sluzhbu-i-attestatsii-gosudarstvennyhsluzhaschih.pdf>

¹⁰ Давлат органлари ва ташкилотларида фаолият юритаётган ходимлар орасида 2023 йилда ўтказилган ижтимоий сўровнома.